

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА  
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**УРИНБАЕВА НИЛУФАР АБДУЖАББАРОВНА**

**ОДАТИЙ ҲОМИЛА ТАШЛАШ ШАКЛЛАНИШИНИНГ  
АЙРИМ ПАТОГЕНЕТИК МЕХАНИЗМЛАРИ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Уринбаева Нилуфар Абдужаббаровна**

Одатий ҳомила ташлаш шаклланишининг айрим  
патогенетик механизмлари ..... 3

**Уринбаева Нилуфар Абдужаббаровна**

Некоторые патогенетические механизмы формирования  
привычного невынашивания беременности ..... 21

**Urinbaeva Nilufar Abdujabbarovna**

Some pathogenetic mechanisms of formation habitual  
miscarriage ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 55

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА  
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**УРИНБАЕВА НИЛУФАР АБДУЖАББАРОВНА**

**ОДАТИЙ ҲОМИЛА ТАШЛАШ ШАКЛЛАНИШИНИНГ  
АЙРИМ ПАТОГЕНЕТИК МЕХАНИЗМЛАРИ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фан докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tib.127 рақами билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида ([www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Султанов Саидазим Насырович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Пахомова Жанна Евгеньевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Каримов Заур Джавдатович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Арипов Абдумалик Нигматович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етикчи ташкилот:**

**И. М. Сеченов номидаги 1-Москва Давлат**  
**тиббиёт университети, Россия Федерацияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги 27.06.2017.Тиб.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент ш, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223.Тел./факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: [tashpmi@gmail.com](mailto:tashpmi@gmail.com)).

Докторлик (DSc) диссертацияси билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_сон билан рўйхатга олинган), (Манзил: 100140, Тошкент ш, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223.Тел./факс: (+99871) 262-33-14).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А. В. Алимов**  
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Э. А. Шамансурова**  
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори,  
профессор

**Д. И. Ахмедова**  
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Мавзунинг долзарблиги ва зарурати.** Ҳомила тушиши репродуктив функция бузилишининг кўринишларидан бири сифатида замонавий акушерликнинг энг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда. ЖССТ маълумотларига кўра, «биринчи ҳомила тушиши частотаси пасаймаган ва барча ҳомиладорликнинг 2-5%ини ташкил этади»<sup>1</sup>. Одатий ҳомила тушиши ҳомила ташлаш таркибида 5 дан 20%гачани ташкил этади. Биринчи ҳомила тушишидан сўнг такрорий ҳомила йўқотиш хавфи 13-17%ни ташкил этади (популяцияда тасодифан ҳомила тушиш частотасига мос келади), шунда аввалги 2та беихтиёрий ўсмай қолишдан сўнг, исталган ҳомиладорликни йўқотиш хавфи 2 баробардан ортиқ ошади ва 36 -38%ни ташкил этади, 3-чи ғайритабиий ҳомила тушиши 40-45%га етади. Ҳомиладорликнинг муддатдан аввал тушиб қолишини даволашнинг турли усуллари ишлаб чиқилганига қарамай, репродуктив функция ўзгариши натижасида ҳомиладорликнинг эрта муддатларда ўсмай қолиш частотаси ортиб бормоқда.

Жаҳон тажрибасида акушерлик ва гинекология касалликлари, хусусан, аёлларда репродуктив ёшда учрайдиган туғиш функциясининг бузилиши, муддатдан аввал туғиш хавфининг пайдо бўлиши, беихтиёрий ҳомила тушиши такрорланиши натижасида бепуштлик ривожланиши, саломатлик бузилишининг ортиши ва ҳаёт сифатининг ёмонлашуви акушерликнинг долзарб масалаларига киради ва замонавий информатив тадқиқотлар ўтказишни талаб қилади. Муддатидан аввал туғруқлар мамлакатда фаровонлик ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатининг асосий кўрсаткичларидан бири – чақалоқлар ўлимини белгилайди. Хаётининг дастлабки 7 куни давомида нобуд бўладиган чақалоқлар (эрта неонатал ўлими) умрининг биринчи йилида ўлганларнинг 67 фоизини ташкил қилади. Ўз навбатида, уларнинг 80 фоизи чала туғилган болалардир ва улар эрта неонатал ўлимнинг 60-70 фоизини ташкил қилади. Муддатидан аввал туғруқ аёл репродуктив тизимининг фаолиятига, унинг руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади, бу ҳам ушбу муҳим муаммонинг бир қирраси ҳисобланади, чунки перинатал ўлимнинг асосий сабабларига киради. Юқорида кўрсатилганлар муддатидан аввал туғруқлар механизмини ва перинатал йўқотмалар кўпайиш омилларини ўрганиш, ушбу беморлар олиб бориш тактикасини ишлаб чиқишга асос бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда, мамлакатимизда, репродуктив ёшдаги аёллар орасида турли касалликлар асоратларини эрта ташхислаш ва пасайтириш бўйича кенг кўламли дастурий чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Мамлакатимизда «...аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишга, соғломлаштириш, биринчи бўғим тиббиёт муассасалари ва шошилинч тезкор ёрдам кўрсатишнинг моддий-техник базасини таъминлаш ва мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болалини муҳофаза қилишга ёрдам берувчи...»<sup>2</sup>. Бу борада аҳолига

<sup>1</sup> ЖССТ маълумотлари, 2014, Khaund, Lumsden, 2008; Jaslow, 2014).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.

тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, соғлом муҳитни яратиш, айниқса, анамнезда беихтиёрый ҳомила ўсмай қолишининг янги вақтларини аниқлаш ва ушбу патология терапияси ва олдини олишининг янги патогенетик асосланган усулларини ишлаб чиқиш ушбу соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммо ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 ноябрдаги «Ўзбекистонда 2016-2020 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2650-сон Қарори, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сон Қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Тадқиқот иши республикамизда фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** Одатий ҳомила тушишининг ривожланиш механизмларини ўрганиш, репродуктив ёшдаги аёллар орасида одатий ҳомила тушишини прогнозлаш, ташхислаш ва профилактик даволашнинг самарали дастурини яратиш муаммолари йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари жумладан, University of Colorado Denver; University of Florida (АҚШ); University of Oxford (Англия); University of Rome Sapienza (Италия); Institute for Quality and Efficiency in Health Care, Germany (Германия); Universidade Nova de Lisboa (Португалия); Jiao Tong University, Shandong University (Китай); Tzu-Chi University, National Yang-Ming University, National Chiao-Tung University, Fong-Yuan Hospital (Тайван); Comenius University (Словакия); University of Oulu, Tampere University (Финландия); University Montreal, University of Calgary (Канада).

Бутун дунёда ҳомила тушишининг хавф омилларини аниқлашга, ҳомила тушиш хавфи ёки унинг продромал белгиларини эрта аниқлаш ҳамда репродуктив ёшдаги аёлларда ҳомила тушишининг олдини олишга қаратилган тадқиқотлар бўйича қатор, жумладан куйдаги илмий натижалар олинган: гестациянинг эрта жараёнларида эндометрийнинг етакчи аҳамияти кўрсатилган (Odense University (Дания)); иммунологик кўрсаткичлар, яллиғланиш омиллари, эндокрин таъсир батафсил ўрганилди, уларнинг ҳомила тушиши патогенезидаги роли очиб берилди (University of Rome Sapienza (Италия)); имплантация ва плацентация жараёнида фибринолизнинг жалб этилганлиги кўрсатилди (Universidade Nova de Lisboa (Португалия));

<sup>3</sup> [www.ucdenver.edu](http://www.ucdenver.edu), [www.ufl.edu](http://www.ufl.edu), [www.unl.pt](http://www.unl.pt), [www.en.sjtu.edu.cn](http://www.en.sjtu.edu.cn), [www.cu.edu](http://www.cu.edu), [www.ufl.edu](http://www.ufl.edu), [www.eng.tcu.edu.tw](http://www.eng.tcu.edu.tw), [www.nymu-e.web.ym.edu.tw](http://www.nymu-e.web.ym.edu.tw), [www.nctu.edu.tw](http://www.nctu.edu.tw), [www oulu.fi](http://www oulu.fi), [www.ox.ac.uk](http://www.ox.ac.uk), [www.en.sdu.edu.cn](http://www.en.sdu.edu.cn), [www.fyh.mohw.gov.tw](http://www.fyh.mohw.gov.tw), [www.uniba.sk](http://www.uniba.sk), [www.pshp.fi](http://www.pshp.fi)

акушерлик амалиётида антифосфолипид синдромининг таъсири исботланди (Tzu-Chi University (Тайван)); организмда метаболик ўзгаришлар, қонда липидлар концентрациясининг ошиши, семириш, гипертоник касалликлар бевосита ҳомила тушиши ва бепуштликка олиб келиши исботланди (University of Oulu (Финляндия), National Institute of Endocrinology (Куба), Institute for Quality and Efficiency in Health Care Germany (Германия)).

Бугунги кунда, бутун дунёда ҳомиланинг одатий тушиши ривожланишининг механизмларини аниқлаш бўйича қатор, жумладан куйдаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: эндотелиал дисфункциянинг роли, гематологик кўрсаткичлар ва ушбу патология патогенезида бошқа механизмларни ўрганиш, хавф омилларни аниқлаш, одатий ҳомила тушишини прогнозлаш, ташхислаш ва профилактик даволаш учун самарали дастур яратишга йўналтирилган тадқиқотлар, олиб бориш тизимини такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги вақтда асосий тадқиқотлар муддатдан аввал туғруқ предикторларини ўрганишга, шу даврда перинатал йўқотишларни пасайтиришга қаратилган дастурлар ишлаб чиқишга йўналтирилган. Бироқ, бутун дунёда олиб борилаётган кўплаб тадқиқотларга қарамай (генетик, иммунологик, биокимёвий, гистологик ва бошқалар), ҳомила тушишини прогнозлаш ва муддатдан аввал туғруқ долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Хавф омиллари ва муддатдан аввал туғруқ механизмлари ҳақидаги билимлар такомиллашаётганига қарамай, муддатдан аввал туғилган болаларнинг частотаси узлуксиз ошиб бормоқда ва турли мамлакатларда перинатал касалликлар ҳамда чақалоқлар ўлимида етакчи сабаб бўлмоқда. March of Dimes (АҚШ) жамғармаси экспертларининг ҳисоблашларича, 2005 йилда сайёрада 13 миллион бола муддатдан аввал туғилган, бу умумий туғруқларнинг 10%ини ташкил этади. Тахминан бир миллион чақалоқнинг ўлими муддатдан аввал туғруқ билан боғлиқ, туғилишнинг биринчи ойидаги ўлим кўрсаткичлари янги туғилган чақалоқлар умумий ўлимининг 28%ини ташкил этади. Sather M. et al. (2010). Буларнинг барчаси олимларнинг ҳомилани кўтара олмаслик сабабларига диққат билан эътибор қаратишларини талаб этади.

Ҳозирги вақтда муддатдан аввалги туғруқларга синдром сифатида қаралмоқда, бунга эса инфекция, яллиғланиш, бачадон-йўлдош қон айланишининг пасайиши ёки йўлдошга қон қуйилиши, бачадоннинг қайта шикастланиши, стресс ва иммун тизими орқали намоён бўладиган турли жараёнлар механизми таъсир кўрсатади. Аскарова С.В, Султанов С.Н. (2009), Айламазян Э.К, Кузьминых Т.У (2013). Она организми ва ҳомила ўртасида иммун реакцияларнинг олдини олишда Т-лимфоцитлар ва табиий киллерлар (NK) каби ҳомилага қарши онадаги лимфоцитлар таъсирини йўқ қиладиган махсус оксиллар ҳимоя вазифасини бажаради. Она ва ҳомила ўртасида иммунологик зиддият ривожланишини олдини олишда кўмаклашувчи маҳаллий механизмлар фетоплацентар комплекс босқичида амалга оширилади. Бунда асосий вазифа йўлдош макрофагларига юкланади, улар

ўзлари бир қатор цитокинларни ишлаб чиқаради (ўсма некроз омили ФНО-б, интерлейкин 1б ва 1в). Grenache D.G., Hankins K., Parvin C.A., Gronowski A.M. (2004). Турли гематологик касалликлар камдан кам ҳолатда бўлса одатий ҳомила тушишига сабаб бўлиши мумкин. Энг кўп, асосан, гиперкоагуляция типига кўра қон ивиш тизимининг бузилиши кузатилади. Бу антифосфолипид синдром, туғма коагулопатия, антикоагуляция механизмида III антитромбини, C протеини ва S протеини етишмовчилиги ва фибринолитик тизимда бузилиши натижасида келиб чиқиши мумкин. Қонда эндотелиоцитларнинг кўпайиши ва айланиши, ҳужайравий адгезия молекулалар микдорининг ортиши, шунингдек, плазма омилларининг ортиб боровчи танқислиги микроциркулятор ўзанинг шикастланишига олиб келади, бу эса гемостазнинг тромبوцитар ва плазма бўғимларининг тромбоген потенциали ортиши натижасида бузилиши билан кузатилади. Zawiejska A., Wender-Ozegowska E. et al. (2016). Фақатгина кўплаб омилларнинг ўзаро таъсири бачадонни тинч ҳолатдан чиқариши ва туғруқ бошланишига сабаб бўлади.

Шундай экан, адабиётларда келтирилган маълумотлар келажакда ушбу йўналишдаги тадқиқотларнинг муҳим ролини кўрсатади, бу эса анамнезда ҳомиладорликнинг беихтиёр тушишининг янги механизмларни аниқлаш ва ушбу патология терапияси ва олдини олишнинг патогенетик асосланган янги усуллари ишлаб чиқиш имконини беради.

**Диссертация мавзусининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация иши акушерлик ва гинекология Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказининг «Тромбофилитик ҳолат ва гестацион даврда ҳомила тушишининг асоратларини ташхислаш, фармокинетика асосида уларнинг олдини олиш ҳамда даволаш тамойилларининг комплекс дастурини ишлаб чиқиш» режасига мувофиқ, шунингдек, «Ҳомиладор аёлларда муддатдан аввал туғруқ хавфини белгилаш ва уларни прогностлаш» ИСС 2014-4 инновацион грант лойиҳаси доирасида (2014-2015 йй.) амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** ҳомила тушиши патогенезида эндотелиоцитларнинг функционал бузилиш роли ва аҳамиятини белгилаш, репродуктив йўқотишни пасайтириш мақсадида уни прогностлаш, ташхислаш, олдини олиш ва даволаш усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ретроспектив ва проспектив таҳлил қилиш билан турли уч ойликларда ҳомиладорликнинг тушиш хавфи билан кечиш частотаси ва клиник хусусиятларини аниқлаш;

ҳомиласи тушган ҳомиладорлар эндотелий дисфункцияси кўрсаткичларининг диагностик ва прогностик аҳамиятини белгилаш;

эндотелиоцит ва ҳомиладорлик кечиши орасида ўзаро боғлиқликни аниқлаш;

эритроцит ва тромбоцитларнинг функционал ҳолатини, шунингдек, периферик қондаги лейкоцитлар, лимфоцитлар, моноцитлар микдорини,

уларнинг одатий ҳомила ташлаш ва муддатдан аввал туғруқ билан ўзаро боғлиқлигини баҳолаш;

ҳомила ташлаш ва муддатдан аввал туғруқда азот оксиди ва антиоксидант тизимидаги ўзгаришларни аниқлаш;

одатий ҳомила ташлашда эндотелиал дисфункцияни тавсифловчи омилларни тромбоцитларнинг функционал имконияти ва бачадон ва йўлдошда қон айланиши параметрлари билан ўзаро боғлиқлигини тадқиқ этиш;

ҳомила ташлашни прогнозлашда ва даволаш тактикасини ишлаб чиқишда ультратовушли цервикометрия ва бачадон-йўлдошда қон айланиши хусусиятларининг ролини аниқлаш;

тақдим этилган ҳомила ташлаш ва муддатдан аввал туғруқ хавфи диагностик-тактик алгоритмининг прогностик аҳамиятини баҳолаш;

цервикометрия параметрлари, эндотелий дисфункцияси ва бачадон-йўлдош ҳомиладан қон кетиши ҳолатини ҳисобга олиб тақдим этилган усулнинг ҳомила ташлашни прогнозлашда, унинг олдини олиш ва даволашда самарадорлигини белгилаш;

ҳомиладорлиги патологик кечадиган ва тушиш хавфи бўлган аёлларни текшириш алгоритмини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ҳомила ташлаш хавфининг оғир ва оғир бўлмаган акушерлик анамнезига эга 622 нафар ҳомиладор аёл ташкил этди. Назорат гуруҳини 36 та соғлом ҳомиладор аёл ташкил этди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида умумклиник ва иммунологик текшириш учун вена томиридан қон ва қон зардоби ташкил этди.

**Тадқиқотнинг методлари** умумклиник, биокимёвий, УТТ, кўп каналли сканерлаш, доплеромертик ва статистик тадқиқот методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ҳомила тушиш хавфи бўлган ҳомиладорлар қонида эритроцитар ва лейкоцитар компонентлар ҳолати билан эндотелий тизимининг ҳолати солиштирма аниқлаш афзаллиги ўзаро исботланган;

эндотелий дисфункцияси маркерларини белгилаш хавф гуруҳидаги ҳомиладорларда эндотелий яллиғланиши ва қон-томирлар бузилиши даражаси аниқланган;

тромбоцит ва лейкоцитларнинг морфофункционал ҳолатини белгилаш гемостаз тизимида ўзгаришларни ўз вақтида аниқлашга ёрдам бериши аниқланган;

ҳомила ташлашда десквамацияланган эндотелиоцитлар сонининг ошиши эндотелий жароҳатланишини маркери ҳисобланган, бу гестация бузилишининг асосий хавфи деб исботланган;

биринчи ҳомила ташлаш бўлган аёлларда перинатал йўқотишларни пасайтириш мақсадида ишлаб чиқилган алгоритмга мувофиқ муддатдан аввал туғруқларни прогнозлаш ва репродуктив йўқотмаларни олдини олиш имконияти исботланган;

азот оксиди тизими, гемостазнинг тромбоцитар бўғими ва эритроцитларнинг метаболизми ҳолатини бачадон ва йўлдошда қон айланишини аниқлаш билан биргаликда комплекс баҳолаш ҳомила ташлаш хавфи бўлган аёлларда йўлдошда қон айланишининг бузилиш даражасини белгилашга имкон берувчи деб исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйдагилардан иборат:

акушерлик амалиёти учун ҳомиладорларни текшириш алгоритми ишлаб чиқилган;

патогенетик даволаш ва перинатал патология олдини олиш учун ҳомила ташлаш хавфини аниқлаш ва прогнозлашнинг маркерлари ишлаб чиқилган;

ҳомила ташлаш хавфи бўлган ҳомиладорларни текшириш ва даволаш учун ишлаб чиқилган дастур самарали ва ўз вақтида олиб бориладиган профилактик даволаш ишларини ишлаб чиқишга, ҳомила тушиш, репродуктив йўқотиш частотасини пасайтиришга имкон берилган; юқори хавф гуруҳидаги ҳомиладорларда муддатдан аввал туғруқни эрта аниқлаш ва унинг олдини олиш чора-тадбирлари перинатал касалликлар, ногиронлик ва чала туғилган болалар ўлими сонини пасайтиришга ёрдам бериши исботланган;

ҳомиладорлиги патологик кечадиган ҳомиладор ва хавф гуруҳи аёлларини текшириш алгоритми тақлиф қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда замонавий, бир-бирини тўлдирувчи клиник, лабораториявий ва инструментал, статистик усуллар билан апробация қилинганлиги, беморларнинг етарлича сони, олинган натижаларнинг назарий ва амалий асослар билан бир хиллиги, олинган натижаларнинг хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар, хулосалар билан мувофиқлиги, олинган натижаларнинг ваколатли структуралар билан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот ишининг илмий натижалари аёлларда ҳомила ташлаш ривожланишининг патогенетик механизмларини очиб бериши билан тиббиёт назариясида муҳим аҳамиятга эга. Биокимёвий тадқиқотдан олинган маълумотлар ҳомила ташлаш патогенезида эндотелий дисфункциясининг ролини белгилашга имкон беради. Олиб борилган тадқиқотлар бачадон деворида гипоксия ривожланиши, бачадон тонуси ошиши, бачадон бўйни релаксация ва очилишига олиб келувчи белгиларни аниқлашга имкон берди.

Тадқиқот натижалари амалий аҳамиятга ҳам эга, яъни фетоплацентар қон кетиши ва муддатдан аввал ҳомила тушиши хавфини белгилаш ҳамда ҳомила муддатидан келиб чиқиб профилактик даволаш ишларини олиб боришга имкон берадиган бачадон бўйни узунлигини ўлчаш билан доплерометрияли ультратовуш текшируви комплекс текширув олиб бориш тақдим этилган. Ҳомиладор аёлларда эндотелий дисфункциясини ҳомила ташлаш хавфи билан аниқлаш ва бачадон бўйни узунлигининг қисқаришини ультратовушли текширувда белгилаш ҳомилани сақлаш терапияси фонида ҳомиланинг сурфактант тизимини тайёрлаш, перинатал касалликлар ва ўлим кўрсаткичларини пасайтиришга имкон беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Одатий ҳомила ташлаш ва муддатдан аввал ҳомила тушиши бўлган аёлларда ўтказилган илмий натижалар асосида:

«Одатий ҳомила ташлаш бўлган аёлларда ҳомиладорликни сақлаш усули» услубий тавсияси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 07 июндаги 8н-р/165-сон хулосаси). Ушбу услубий тавсия бачадон тонусини анъанавий баҳолашга нисбатан муддатдан аввал туғруқларни ультратовушли текширишда 3 карра аниқроқ прогнозлашни оширишга имкон беради. Бу муддатидан аввал туғруқларни ўз вақтида ташхислашга имкон беради ва ўз навбатида ҳомила муддатидан келиб чиқиб профилактик даволаш ишларини олиб боришга ёрдам беради.

«Эндотелий дисфункцияси – ҳомила ташлашнинг сабаби ва асорати» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 14 ноябрдаги 8н-д/52-сон хулосаси). Ушбу қўлланма шифокорлар учун муддатдан аввал туғруқлар патогенези ҳақидаги билимларини оширишга имкон беради, ҳомилани сақлаш терапияларини ўз вақтида олиб бориш ва ҳомиладорлик муддатини узайтириш, шунингдек, перинатал ўлимларни камайтириш учун сурфактант тизимни тайёрлаш зарурлигини исботлайди;

тадқиқотдан олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан акушер ва гинекология Республика ихтислослаштирилган илмий-амалий тиббий акушерлик ва гинекология марказининг акушерлик стационарлари амалиётига, Республика ва шаҳар перинатал марказларига, Андижон вилояти перинатал марказига жорий этилди. Тадқиқот натижаларини жорий этишнинг иқтисодий самарадорлиги одатий ҳомила ташлашни прогнозлаш ва даволаш учун ихтислослаштитилган тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини сезиларли яхшиланишига олиб келди: перинатал касалликлар частотасини 22%га ва муддатдан аввал туғруқларда ўлим кўрсаткичларини 18%га пасайтиришга олиб келди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот ишининг натижалари 7 та халқаро ва 9 та Республика илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 32 та илмий ишлар чоп этилган, жумладан, 11 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси диссертация мавзуси бўйича илмий-тадқиқот ишларининг асосий натижаларини нашр этиш учун тавсия қилган журналларда, 3 таси хорижий журналда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, олти боб, хулоса, илова ва фойдаланилган адабийтлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация ҳажми 200 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқотнинг объект ва предмети шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Ҳомила тушиши этиологияси ва патогенези ҳақида замонавий қарашлар ва репродуктив функциянинг хусусиятлари**» деб номланувчи биринчи бобда гестациянинг турли муддатларида одатий ҳомила ташлаш частотаси, этиологияси, патогенези ва ташхиси ҳақида замонавий маълумотлар таҳлил қилинган адабиётлар шарҳи келтирилган. Ҳомила ташлашда организмнинг турли тизимларининг функционал ҳолати ҳақида маълумотлар кўрсатилган. Фетоплацентар комплекснинг ультра-товушли ва доплероетрик текширувини ўрганиш баҳоси акс эттирилган. Одатий ҳомила ташлашда ҳомиладорларни анъанавий даволаш тактикаси келтирилган.

Диссертациянинг «**Одатий ҳомила тушиши бўлган аёлларни текшириш ва даволаш усуллари таҳлил қилиш**» деб номланувчи иккинчи бобда тадқиқотнинг материал ва методлари тасвирланган. Тадқиқотнинг биринчи босқичида 622 нафар стационар даволанишга ҳомила тушиш хавфи клиникаси бўлган ҳомиладор аёлларнинг анамнез маълумотлари ўрганилди ва ҳомиладорлик кечиши ва унинг натижалари таҳлил қилинди, беморлар 2 гуруҳга бўлинишди: 1 гуруҳ – 201 та асоратланган акушерлик анамнези (ААА) ва репродуктив йўқотиш билан такрорий ҳомиладор бўлган аёллар, 2-гуруҳ – анамнезда репродуктив йўқотишлар бўлмаган 421 нафар аёл. Назорат гуруҳини гестациянинг худди шу муддатларида ҳомиладорлик физиологик кечган 36 нафар аёл ташкил этди. Тадқиқот 2009-2016 йиллар мобайнида олиб борилди. 1- ва 2-гуруҳдаги барча аёллар стационар даволанишга келган вақтлари гестация муддатининг ҳисобга олиниши билан текширилишган (гестациянинг I- II- и III- уч ойликлари). Биокимёвий текширув олиб боришда ҳомила тушиш хавфи бўлган 56 та ҳомиладор ва 18 нафар назорат гуруҳидаги аёлнинг қон таҳлилини ўргандик. Шунингдек, таққослаш учун тадқиқотда ихтиёрий иштирок этган 12 та ҳомиладор бўлмаган аёл қони ҳам олинди.

Тадқиқотнинг биринчи босқичида муддатдан аввал туғруқларнинг сабабларини, кечиш хусусиятларини чуқурроқ ўрганиш ва унинг оқибатларини прогнозлаш учун 2013 йилдан 2016 йилгача республика перинатал марказида муддатдан аввал туғруқ хавфи билан даволанган 423 та аёлда ҳомиладорликнинг кечиши босқичма-босқич ўрганилди. Бундан ташқари, АААли ҳомила ташлаш хавфи бўлмаган (таққослаш гуруҳи) РПМнинг маслаҳат поликлиникасида назоратда бўлган 43 та ҳомиладор

аёллар ҳам текширилди. Текширилган аёлларнинг ёши 17-42 ёш оралиғида бўлди. Беморларнинг ижтимоий аҳволи ўрганилганда уларнинг кўпчилиги уй бекаси эканлиги аниқланди (50,7дан 72,3%гача). Тадқиқотдан ташқари анамнезда ўткир ва оғир касалликлар ва ҳолатлар, шунингдек, ҳомиланинг антенатал нобуд бўлиши кузатилган ҳомиладорларнинг мавжудлиги ҳомила тушишига сабаб бўладиган мезон ҳисобланади. Органик истмик-цервикал танқислиги ташхиси бўлган ҳомиладорлар тадқиқ қилинмади.

Клиник теширувга ўтказилган касалликлар, ҳайз ва репродуктив функция, аввалги ҳомиладорлик кечгани ва натижаси ҳақидаги анамнез маълумотлари асос бўлди. ва гемостазнинг биокимёвий кўрсаткичларини ўз ичига олган стандарт клиник-лабораториявий тадқиқотлар ўтказилди. Ёндош касалликлар аниқланганда ҳомиладорларга тор мутахассислар томонидан консултация берилди.

Муддатдан аввал туғруқ хавфи ривожланишини аниқлаш учун бачадон бўйинчаси узунлиги баҳолаш билан трансвагинал ультратовушли текширув ўтказилди (цервикометрия). УТТ ўтказиш учун «Siemens» аппарати 6,5 МГц қин датчиги ва 3,5 МГц чизикли датчикдан фойдаланилди. Қон айланишини бачадоннинг спирал артерияларида рангли доплер картирлашдан фойдаланиб белгиладик. Бачадон-ҳои́ла-йўлдошда қон айланиши (БХҲҚА) таҳлил қилиш учун систолик-диастологик нисбат (СДН), резистентлик кўрсаткичини (РК) ҳисобладик. Тадқиқотга РПМда трансабдоминал ёки трансвагинал текширувда белгиланган бачадон бўйинчаси 18мм ва кўпроқ узунликдаги ҳомиладорлар қамраб олинди (т.ф.д. Ходжаева М.Б.).

Тромбоцитларнинг агрегацион фаоллиги баҳолаш Born G.V.R. усулига ва O'Brayen модификациясига кўра оптик агрегометр «Chronolog-440» (USA)да амалга оширилди. NOни белгилаш Green L.C. et al бўйича амалга оширилди. Нитратредуктаза (НР) фаоллиги Вавилова Т. П. ва ҳаммуаллифлар усули бўйича белгиланди. НАДФН-диафораз фаолликни Норе V.T. усули ва Комарин А.С. ва ҳаммуаллифлар модификацияси бўйича баҳоланди. Биокимёвий тадқиқот ТТАнинг 3-клиникасининг марказий клиник-диагностик лабораториясида олиб борилди (лаборатория мудираси Мухамедова М.Х.).

Оғир анамнезли ва репродуктив йўқотиш бўлган барча беморларга ҳои́ла ташлашга инфекциянинг аҳамиятини белгилаш учун акушерлик ва гинекология республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий маркази лабораториясида иммунфермент таҳлил қилиш йўли билан сурункали инфекция ташувчилар тадқиқ қилинди. Организмнинг ўзига хос бўлмаган иммун реактивлиги периферик қонда лейкоцитларнинг миқдори ва популяцион таркибини таҳлил қилиш йўли билан баҳоланди. Интоксикация даражаси ва ҳои́ла тушиш хавфида терапия самарадорлигини баҳолаш учун қуйидаги интеграл кўрсаткичлар: интоксикациянинг лейкоцитар кўрсаткичи, лейкоцитлар силжиши кўрсаткичи, лимфоцитар-гранулоцитар кўрсаткич, нейтрофил ва лимфоцитлар ўзаро нисбати, нейтрофил ва моноцитларнинг ўзаро нисбати индекси, лимфоцит ва эозинофилларнинг ўзаро нисбати белгиланиб лейкограммлар кўрсаткичларидан фойдаланилди.

АТФга боғлиқ  $\text{HCO}_3$ ни Е.В. Макаренко усулига кўра белгиладик (1987). Эритроцитларда 2,3-дифосфоглицератнинг миқдори Beutler усули бўйича белгиланди (1975). Қон плазмасида церулоплазмин ва альфа- $\gamma$ -макроглобулин миқдори «Cobas Emira» биокимёвий анализаторида тадқиқ қилинди. Супероксидисмутаза фаоллиги Y.Zun et al бўйича (1988), каталаза Л.П.Галактионова ва ҳаммуаллифлар усули бўйича белгиланди (1988). Қоннинг кислотали асосий ҳолати «Микро-Аструп» қон газоанализаторида тадқиқ қилинди.

Ҳомила тушиш хавфи бўлган ҳомиладорларни кузатиш ва даволаш стационар шароитдаги протоколларга мувофиқ олиб борилди. Олиб бориладиган даволаш ишларига кўра ҳар бир гуруҳ А ва Б гуруҳостиларга бўлинди, бунда А гуруҳости беморлари анъанавий терапия, Б гуруҳости беморлари эса комплекс терапия олишди. Анъанавий терапия I-уч ойликда тоза гестоген, спазмолитиклар, қон кетишида қонни тўхтатадиган препаратлар, II- ва III-уч ойликда токолотик терапия учун кальций каналлар блокаторлари, қинга бачадон бўйни очилишини секинлаштирувчи микронизирланган прогестерон препарати тайинлашни ўз ичига олади. Комплекс терапия анъанавий терапия билан бир қаторда эндотелий дисфункциясини коррекциялаш учун дори воситаси - дезагрегант курантил ва II- уч ойликда - метаболик терапияни ўз ичига олади. Қоннинг ивиш тизими кўрсаткичлари ошганда ва БҲЙҚА бузилишида лаборатория таҳлиллари назорати остида паст молекулярли гепарин воситалари тайинланди. Олиб борилган даволаш ишларининг самара кўрсаткичлари ҳомиладорлик муддатини узайтириш ва уни натижасини кўриш бўлди. Муддатдан аввал туғруқ хавфи ташхиси тасдиқлангандан сўнг бачадон бўйинчаси қисқаришига асосланиб янги туғилган чақалоқ респиратор дистресс синдром (РДС) профилактикаси учун глюкокортикостероидларни қўлладик.

Олинган маълумотларни Statistica 6,0 статистик дастурнинг стандарт пакети билан тасдиқладик. Фарқлардаги ишончлилиқ  $P < 0,05$ ,  $P < 0,01$ ,  $P < 0,001$  билан акс эттирилди. Шунингдек, ўртача арифметика (M) ва стандарт оғишма (y) ва ўртача квадрати хатолар (m), Стьюдент мезони (t), хатолар эҳтимоли (P) билан ҳисобладик. Олинган кўрсаткичлар ўртасида ўзаро боғлиқликни белгилаш учун Пирсоннинг (r) чизикли алоқа коэффициентларини ҳисоблаш ва кейинчалик унинг аҳмиятини t мезонига кўра белгилаш билан корреляцион таҳлил ўтказилди. Ташхис мезонлари информативлиги (сезувчанлик, ўзига хослик, ижобий ва салбий прогностик кўрсаткич) ва нисбий хавфни (RR) Р.Флетчер усули бўйича амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Ҳомила ташлаш риволанишининг клиник ҳолати ва хавф омиллари**» деб номланувчи учинчи бобида беморлар анамнезининг ретропектив ва проспектив тадқиқоти маълумотлари келтирилган. Ҳомиладорликнинг патологик кечиш частотасини ўрганиш учун 2008-2013 йилларда турли ташхислар билан стационарда даволанган 3147 нафар ҳомиладорларнинг касаллик тарихи ретроспектив таҳлил қилинди. Таҳлиллар беморларнинг тўртдан уч қисми (2361 – 75,0%) стационарда беихтиёрий ҳомила тушиши хавфи ташхиси билан даволанишганини

кўрсатди. Уларнинг орасида беморларнинг ярмидан кўпи (55,7%) I-уч ойлик, қолганлари иккинчи уч ойлик муддатда бўлишган. Бу ҳомила тушиш хавфининг, айниқса 1-уч ойликда юқори частотасини кўрсатади ва келгусида унинг сабабларини ўрганишни талаб этади.

Ҳомила тушиш хавфи бўлган 4 ҳафталикдан 37 ҳафталикгача бўлган 622 нафар беморда ҳомиладорлик кечиши, туғруқлар ва уларнинг натижалари батафсил ўрганилди (проспектив тадқиқот), улар 2 гуруҳга бўлинишди: 1-гуруҳ – ААА ва анамнезда репродуктив йўқотиш бўлган 201 та ҳомиладор аёл, 2 гуруҳ – репродуктив йўқотиш бўлмаган 421 нафар ҳомиладорлар. Назорат гуруҳини худди шу муддатлардаги гестация физиологик кечган 36 ҳомиладорлар ташкил этди.

Ҳомиладорларнинг бир қисми (7,9%) ушбу ҳомиладорликнинг такроран ҳомила тушиш хавфи билан касалхонага қайта ётқизилган, учинчи марта эса барча текширилганларнинг 4,0%и касалхонага ётқизилди. Текширилган аёлларнинг ёши 17 ёшдан 42 ёшгача бўлди ва ўртача  $24,7 \pm 0,24$  ёшни ташкил этди. Тадқиқот натижалари ҳомиладорликнинг барча уч ойлигида патологик кечиши кўпинча 20-29 ёшлилар гуруҳида кузатилишини кўрсатди (76,6%), иккинчи ўринда 30-34 ёш оралиғидаги, давомида 20 ёшдан кичик ва камдан-кам 35 ва ундан юқори ёш ҳомиладорлар туради.

I-уч ойликда такроран ҳомиладор бўлганлар орасида, аёлларнинг ярмидан кўпи (64 - 52,9%) анамнезда репродуктив йўқотишнинг турли шакллари (1-гуруҳ) эга бўлишган, иккала гуруҳда ҳам кўпинча 9-13 ҳафталик муддатларидаги ҳомиладорлар билан таққослаганда 9 ҳафта муддатгача бўлган ҳомиладорлар (53,8%) касалхонага ётқизилган. Ҳомиладорликнинг патологияси I-уч ойликда қорин оғриғи ёки қориннинг пастки қисми, бел ёки думғаза атрофида тўлғоқсимон оғриқлар, жинсий аъзолардан қонли ажратма кетиши каби клиник белгилар пайдо бўлиши билан намоён бўлади. Беморларнинг ҳомиладорликнинг II-уч ойликда асосий шикоятлари қорин пасткида оғриқ, тез-тез пешоб ҳайдалиши, жинсий аъзолардан қонли ажратма келиши, камдан-кам ҳолатда ҳомила қоғонок сувларнинг кетиб қолиши ва қорин пасткида тўлғоқсимон оғриқлар бўлган.

Текширилганларнинг соматик анамнезини ўрганиш барча гуруҳларда энг кўп нафас олиш органларида шамоллаш касалликлари кузатилганини кўрсатди, бунда ЛОР органлари касалликлари (тез-тез ангина ва сурункали тонзиллит билан оғриши) АААли 1-гуруҳда кўпроқ учради. Бу гуруҳда кўпинча назорат гуруҳи билан таққослаганда инфекцияли гепатит, шунингдек, буйрак ва сийдик йўллари касалликлари назорат гуруҳига қараганда 2,3 марта ва 2-гуруҳга нисбатан 1,3 марта кўпроқ кузатилди. Умуман олганда, битта беморда ўртача касаллик частотасини кўрсатувчи касалланиш кўрсаткичи 1-гуруҳда энг юқори бўлган (3,7), 2-гуруҳда бир мунча пастроқ (2,7) назорат гуруҳи билан таққослаганда (2,2)ни ташкил этди. Буларнинг барчаси репродуктив ёшдаги аёллар соматик саломатлиги ҳомиладорликнинг патологик кечиши частотасига таъсир этишини ва анамнезда репродуктив йўқотиш билан боғлиқлигини кўрсатади.

Паритетга кўра 1-гурухдаги ҳомиладорлар орасида репродуктив йўқотиш бўлган аёллар анамнезда 2-3 марта ҳомиладор бўлишгани (ярмидан кўпи 55,7%), қолганлари - 4 ва ундан кўпроқ ҳомиладор (44,3%) бўлишгани белгиланган. 2- гуруҳда биринчи марта ҳомиладор бўлганлар ярмидан кўпини ташкил этди (58,3%), қолганлари такроран ҳомиладор бўлишган. Бу ҳомиладорлик патологияси ривожланишида одатий ҳомила ташлашнинг аҳамиятини кўрсатади.

Муддатдан аввал тугрук хавфи билан ҳомиладорликнинг III уч ойлигида ётқизилган беморлар орасида учдан кўп қисми (35,9%) ҳомиладорликнинг ўта эрта муддатларида 22дан 27 ҳафталикгача ётқизилган. Муддатдан аввал тугрукнинг бундай муддатларда бошланиши ҳомиланинг ўта чала туғилганлиги сабабли перинатал касалликларни ва ўлимлар сонини оширади. Ушбу ҳомиладорларнинг кўпчилиги биринчи марта ҳомиладор бўлишган (41,4%), қолганлари – такрорий ҳомиладор бўлишган, бунда репродуктив йўқотиш уларнинг ҳар бешинчисининг анамнезида бўлган (19,4%). Муддатдан аввал тугрук 28дан 33 ҳафталиккача кўп ҳолларда репродуктив йўқотиш билан яқунланади, бунда яшаб кетиши учун янги туғилган чақалоқнинг вазни муҳим аҳамиятга эга. Ушбу муддатда стационар даволанишга жами 91та (41,9%) ҳомиладор келган, улардан биринчи ҳомиладорлик учдан бир қисмидан кўпроқ бўлган (35,2%), такроран ҳомиладор бўлганлар орасида 74,6% аёллар анамнезида қандайдир репродуктив йўқотиш бўлган. Ҳомиладорликнинг 33дан 37 ҳафтали муддатида келганган беморлар барча текширилганларнинг тахминан бешдан бир қисмини ташкил этишди (22,1%). Улардан биринчи марта ҳомиладор бўлганлар жами 18 тани (37,5%) ташкил этди, қолганлари анамнезда репродуктив йўқотишлар билан такрорий ҳомиладор бўлганлар (39,6%). Шундай қилиб, стационарда энг кўп биринчи марта ҳомиладор бўлган аёллар даволанишга ётқизилган.

Соматик патология каби деярли худди шундай частота билан ушбу контингентдаги аёлларда гинекологик касалликлар кузатилди. Ҳар бешинчи бемор анамнезида тухумдонлар ва бачадон бўйни сурункали яллиғланиш касалликлари бўлган. Частотасига кўра ҳайз циклининг бузилиши биринчи ўринни эгаллади, бу жараёни аёллар яллиғланиш касалликлари, аборт ва беихтиёрий ҳомила тушиши билан боғлашди.

Ҳомиладорликнинг физиологик кечиши гормонал фон билан боғлиқ. Шу муносабат билан менархенинг ҳақидаги маълумотлар қизиқиш уйғотди. Шундай қилиб, назорат гуруҳида аёллар анамнезида менархенинг бошланиши ўз вақтида бўлган, шунингдек, 1-2 гуруҳ беморларида - 80,5% ҳолатни ташкил этди. Менархенинг кечроқ бошланиши ҳомиладорлик патологияси бўлган 19,5% аёлда аниқланди, бунда 1-гуруҳдаги ҳомиладорларда 2-гуруҳдагиларга нисбатан 1,9 марта ва назорат гуруҳидагиларга қараганда 3,6 марта кўпроқ. Биз томонимиздан, контрацептивларни қабул қилиш ва айниқса улардан узоқ вақт фойдаланишнинг ҳомила ташлаш билан боғлиқлиги аниқланди. Ушбу хавф омили ҳомила тушиши бўлган аёллар анамнезида кўпроқ учради: назорат гуруҳига нисбатан 3,2 марта ва таққослаш гуруҳига нисбатан 2,2 марта юқори.

Ҳайз функцияси ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиш 1 гуруҳ беморлар анамнезида кўп ҳолларда беихтиёрий ҳомила тушиши ёки муддатдан аввал туғруқ, камдан-кам гипоменструал синдром билан боғлиқ гиперменорея шаклида ҳайз бузилиши борлигини кўрсатди. 2-гуруҳ аёлларида ҳайз бузилиши ишончли пастроқ белгиланди ( $p < 0,05$ ). Шунингдек, ҳомиладор бўлгунча жинсий тизим аъзолари яллиғланиш касалликлари ва сурункали инфекцияларнинг мавжудлиги ҳам ҳомила ташлаш хавф омиллари сирасига киради. Уларнинг энг юқори фоизи назорат ва иккинчи гуруҳ билан таққослаганда 1-гуруҳда (22,4%) аниқланди ( $p < 0,05$ ). 1 ва 2- гуруҳ беморлар анамнезида бачадон миомаси, эндометриоз ва тухумдон кистаси бўлган, кўпроқ 1-гуруҳ беморларида аниқланди. Беморларнинг бир қисми ҳомиладор бўлгунча узоқ давр 2 йилдан 7 йилгача давом этган бепуштликдан даволанишган (5,0 ва 3,3% мос равишда). Бу маълумотлар гормонал бузилишлар, жинсий тизим аъзоларнинг яллиғланиш жараёнлари, ўсма ва ўсмасимон касалликлар, жарроҳлик аралашувларининг ҳомиладорликка, айниқса репродуктив йўқотиш бўлган беморларга таъсирини кўрсатади.

Текширилган аёлларнинг акушерлик анамнезини ўрганиш 1-гуруҳда сунъий абортлар назорат гуруҳига нисбатан уч баробар юқори бўлганлигини, 2-гуруҳда эса сунъий абортлар частотаси барча ҳомиладор аёлларнинг тўртдан бир қисмидан ортиқ, бу аёлларнинг оилада фарзанд кўришни режалаштирилмаганда абортни қўллашларини кўрсатди. Бу шунингдек, туғруқлар частотасида ҳам акс этган. Шундай қилиб, назорат гуруҳида барча ҳомиладорларнинг 88,4%и шошилиш туғруқлар билан яқунланган бўлса 1-гуруҳда фақат 33,7%, 2-гуруҳда - 62,4%ни ташкил этди. Муддатдан аввал туғруқ 1- (11,1%) ва 2 - (12,2%) гуруҳ аёлларида назорат гуруҳи билан таққослаганда 6 баробар кўп. АААли 1-гуруҳ аёлларида анамнезда 7,9% ҳолатда перинатал ўлим кузатилган. Ҳомиладорликнинг 1 та текширилган аёлга ўртача миқдори анамнезда репродуктив йўқотиш борлиги ҳисобига назорат гуруҳида – 1,44, 2-гуруҳда – 1,33, 1-гуруҳда эса-3,0ни ташкил этган.

Шундай экан, олиб борилган таҳлиллар асосий гуруҳдаги барча аёллар оғир соматик ва акушерли анамнезга, бепуштлик билан тавсифланувчи ҳайз цикли ва репродуктив функция бузилишининг юқори частотасига, ҳомиладорлик патологиясига, шунингдек, жинсий аъзолар яллиғланиш жараёнларига эга эканликларини кўрсатди. Касаллик сабабини аниқлаш нафақат даволаш усулини танлаш учун, балки эрта ташхислаш, прогнозлаш ва асоратларининг олдини олиш учун ҳам зарур. Анамнезда ҳомиладорликнинг патологик кечиши ва туғруқнинг гормонал бузилишлар билан боғлиқлиги, репродуктив йўқотишлар одатий ҳомила ташлаш ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

Диссертациянинг «**Ҳомила тушишида клиник-функционал ва лабораториявий кўрсаткичларнинг хусусиятлари**» деб номланувчи тўртинчи бобда ҳомила тушишида клиник-функционал ва лабораториявий тадқиқот натижаларининг кўрсаткичлари келтирилган. Эндотелиал ҳужайралар дисфункцияси турли омиллар, жумладан, фаоллашган лейкоцитлар, тромбоцитлар, йўлдош мембранасининг микро қисмлари ва

ҳоказолар таъсири натижаси бўлиши мумкин. Яна бир тизимли яллиғланиш жавобини шаклланишини кўрсатувчи факт ҳомиладорлар организмида циркуляциядаги лейкоцитлар фаоллашуви ҳисобланади. Лейкоцитлар фаоллашуви ва эндотелиал дисфункция ҳомиладорликда патологик жараёнлар ривожланишини кучайтиришга бевосита боғлиқ жараёнлар бўлиб, ҳомила тушишининг сабабларидан бири ҳисобланади.

Қонда десквамацияланган эндотелиоцитлар ва церулоплазмин миқдорини текшириш учун гестацион даврнинг I ва II уч ойликдаги физиологик кечаётган ҳомиладорлик даври текширилди. Тадқиқотдан олинган натижалар I уч ойликда ҳомиладорликнинг физиологик кечишида 16% беморлар кон плазмасида десквамацияланган эндотелиоцитларнинг меъёрий кўрсаткичлари, 48% ҳолатда – ўртача юқори кўрсаткичлар ва 36% текширилганларда юқори кўрсаткичларини кўрсатди. Ҳомиладорликнинг II уч ойлигида ўрганилаётган кўрсаткич фоизи 14% текширилаётганларда нормал кўрсаткич, 37% ҳомиладорларда – ўртача юқори ва 49% беморда юқори кўрсаткичлар белгиланди. Худди шундай динамика қонда церулоплазмин миқдорига нисбатан ҳам кузатилди. Шундай қилиб, ҳомиладорликда турли шикастловчи омиллар таъсири остида (инфекцион, моддалар алмашинуви, иммун ва ҳоказо) эндотелий дисфункцияси шаклланади. Сурункали касалликлар кўринишида эндотелиоцитларнинг структуравий-метаболик ўзгариши рўй беради. Келтирилган тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики (1-жадвал), соғлом ҳомиладорларда десквамацияланган эндотелиоцитлар миқдори соғлом ҳомиладор бўлмаган аёлларга нисбатан ўртача 1,6 марта юқори ( $p < 0,05$ ).

**1-жадвал.**

**Ҳомила тушишида қонда десквамацияланган эндотелиоцитлар кўрсаткичи ва церулоплазмин миқдори**

Кўрсаткич	Соғлом шахслар n =12	Ҳомиладорлиги физиологик кечган аёллар n =18	Ҳомила тушиш хавфи бўлган аёллар	
			I уч ойлик n =23	II уч ойлик n =33
Қонда десквамацияланган эндотелиоцитлар миқдори $10^4/л$	$2,0 \pm 0,25$	$3,11 \pm 0,2^*$	$4,57 \pm 0,29^*$	$4,03 \pm 0,25^*$
Қонда церулоплазмин миқдори мг/дл	$24,15 \pm 1,4$	$27,4 \pm 0,54$	$38,1 \pm 1,96^*$	$32,6 \pm 1,49^{*, \&}$

Изоҳ: \* - назорат гуруҳига нисбатан таққослаганда ишончли ( $p < 0,05$ ) & - физиологик ҳомиладорлик билан таққослаганда ишончли ( $p < 0,05$ )

Аёлларда гестациянинг I уч ойлигида ҳомила тушишида эндотелиоцитларнинг дисфункцияси кучаяди ва қонда десквамацияланган эндотелиоцит миқдори  $4,57 \pm 0,29 \times 10^4/л$  кўрсаткичгача ошади, бу физиологик ҳомиладор аёлларга нисбатан 2,3 марта юқори ( $p < 0,05$ ). Ҳомиладор аёлларда

гестация муддати ортиши билан қонда десквамацияланган эндотелиоцитлар миқдори юқори бўлиб қолади ва  $4,03 \pm 0,25 \times 10^4$ /лни ташкил этди, бу соғлом ҳомиладор аёлларга нисбатан 1,3 марта ва соғлом шахсларга 2 марта юқори ( $p < 0,05$ ). Ҳомила тушиш хавфи клиникаси пайдо бўлишида қонда десквамацияланган ҳужайралар миқдорининг ошиши ва эндотелиоцитлар дисфункциясини кўрсатади.

Церулоплазмин миқдори динамикасига нисбатан олинган маълумотларни таҳлил қилиш десквамацияланган эндотелиоцитлар миқдorigа кўра олинган натижаларга ўхшашлигини кўрсатди. Шундай қилиб, ҳомиладорликда церулоплазмин миқдори ошиш динамикасига эга ва  $27,4 \pm 0,54$  мг/длни ташкил этди. Ҳомила тушиш хавфи бўлган ҳомиладорларда қонда церулоплазминнинг миқдори соғлом шахсларга нисбатан I уч ойликда 1,6 марта ва II уч ойликда 1,4 марта ишончли юқори эканлиги белгиланди ( $p < 0,05$ ). Юқорида келтирилганларнинг барчаси ҳомила тушишида томирлар интимасида эндотелий қаватини шикастланиши пайдо бўлиш хавфи мавжудлигини кўрсатди. Шундай экан, қонда десквамацияланган эндотелиоцитлар миқдори қон-томирлар шикастланиш даражасини акс эттиради, бу эса ушбу кўрсаткичнинг ҳомиладорликда ва ҳомиладор бўлмаганда, айниқса унинг ўсмай қолиш хавфи асоратларида юқори эканлигини исботлайди.

Қоннинг оқ қисмини миқдорий ва популяцион таҳлил қилиш организмнинг ўзига хос бўлмаган иммун реактивлигини баҳолаш усуллари орасида энг оддий ҳисобланади. Қоннинг интеграл кўрсаткичлари периферик қон лейкограммасига организм ҳолати ўзига хослигининг таъсирини аниқлашга имкон беради, шунингдек, ҳомиладорликда асосий рол ўйнайдиган нейрогуморал тизим ва иммун омиллари таъсири ҳам бундан мустасно эмас, бу эса қоннинг интеграл кўрсаткичлари организмнинг меъёрда ва ҳомиладорлик натижасида ўзига хос бўлмаган ҳолати ҳақида маълумотга эга бўлиш имконини беради.

Тадқиқотлар ҳомиладорликда лейкоцитар интоксикация индексининг (ЛИИ) ўртача 2 мартага ишончли пасайганини кўрсатди ва соғлом шахслар гуруҳига қарши  $0,94 \pm 0,04$  ни ташкил этди. Ҳомила тушиш хавфида ўрганилаётган кўрсаткич 10 мартадан кўпроқ пасайди. Ушбу интеграл кўрсаткич бошқа қон ҳужайраларининг миқдорий алмашинуви билан чамбарчас боғлиқлигини ҳисобга олсак, ҳомила тушиши хавфида турли ҳужайраларнинг функционал ўзаро нисбати ўзгариши ЛИИ кўрсаткичларида акс этади. Ҳомиладорликда нейтрофил ва моноцитлар нисбатининг индекси сезилмас ошди, бироқ ҳомила тушиш хавфида ушбу гематологик индекс 2 мартадан кўпроқ пасайди ва  $9,14 \pm 0,30$ ни ташкил этди, назорат гуруҳида эса  $21,3 \pm 0,62$ ни ташкил этди, бу макрофагал тизим фаоллашувини кўрсатади. Худди шундай динамика лимфоцит ва моноцитлар нисбатининг индексида белгиланади (ЛМНИ), бунда ўрганилаётган кўрсаткич соғлом ҳомиладор аёлларга нисбатан 2,2 марта пасайди.

Лимфоцит ва эозинофиллар ўзаро нисбати индексининг кўрсаткичи (ЛЭНИ) тезкор ва секин типдаги гиперсезувчанлик жараёнлари нисбатини тахминан акс эттиради. Ҳомила тушиши хавфи бўлган ҳомиладорларда

ЛЭНИ белгилаш ҳомиладорликнинг физиологик кечишига қараганда 10 марта паст эканлигини кўрсатди. Ҳомила тушиши хавфида ушбу кўрсаткичнинг паст миқдори текширилган ҳомиладор аёлларда тезкор типдаги гиперсезувчан жараёнлар устунлигини кўрсатади.

Шундай экан, ҳомила тушиши хавфида интеграл гематологик индекларни таҳлил қилиш организмнинг ўзига хос бўлмаган иммунологик реактивлиги худди шундай физиологик ҳомиладорликдан сезиларли фарқланишини кўрсатди. Ҳомиланинг эрта муддатларда тушиш хавфи ядровий сегментли нейтрофиллар ошиши билан тавсифланувчи марофагал тизим ва яллиғланиш жараёнлари фаоллашуви билан кузатилади. Шундай экан, ҳомила тушишида фаоллашган лейкоцитларнинг эндотелиал хужайралар билан ўзаро таъсирининг натижаси – эндотелиал дисфункция ҳисобланади. Текшири-лаётган шахсларда лейкоцитларнинг фаоллашишида эндотелиоцитларнинг дисфункцияси, айниқса одатий ҳомила тушишида юзага келтиради.

Диссертациянинг «**Ҳомила ташлашда гемостаз тизими бузилишида эндотелиоцитлар дисфункциясини баҳолаш**» деб номланувчи бешинчи бобида эритроцит функционал ҳолатининг эндотелиоцит дисфункциясига таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган. Ҳомила тушишида гемостаз тизими кўрсаткичлари бузилишида эндотелиоцитларнинг ролини баҳолаш учун биз Па (тромбин) омилига аутоантитанача миқдорини ўргандик. Тадқиқотдан олинган натижалар ҳомила тушишида тромбинга G синфининг аутоантитаначалар миқдори I уч ойликда  $1,58 \pm 0,04$  МЕ/мл миқдоргача ва II уч ойликда  $1,56 \pm 0,04$  МЕ/мл миқдоргача ошгани белгиланди, бу бошланғич ҳажмдан 11% юқори. Текширилган миқдор ошишига жавобан эндотелиоцитлар антитромбин III ишлаб чиқаришни кучайтиради. Келтирилган тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, табиий антикоагулянт - антитромбин III миқдори ҳомиладорлик нормал кечишида пасаяди ва ўртача  $0,27 \pm 0,01$  г/лни ташкил этади.

Ҳомила ташлашда антитромбин III кўрсаткичи I уч ойликда  $0,23 \pm 0,01$  г/л гача ва II уч ойликда  $0,22 \pm 0,01$  г/л гача пасаяди, бу эса меъёрдан 19% паст ( $p < 0,05$ ). Шундай қилиб, ҳомила ташлашда антитромбина III пасайиши шаклида тромбин миқдори ортиши кузатилади. Тромбиннинг юқори миқдори тромбинга қарши куп миқдорда аутоантитанача ишлаб чиқарилиши кузатилади ва антисерин протеазалар, хусусан, альфа-г-макроглобулин синтезини фаоллаштиради. Жигарда синтезланадиган серин антипротеазаларнинг максимал миқдори ҳомила тушиши хавфи бўлган ҳомиладор аёлларда II уч ойликда белгиланди ва ўртача  $277,6 \pm 2,7$  мг/длни ташкил қилди, бу эса бошланғич ҳажмдан 68%га юқори. Бу вазиятда жигарда кучли стрессорли оксил – фибриноген  $3,87 \pm 0,15$  г/л миқдоргача ишлаб чиқарилади, бу эса фибрин ҳосил булиши ва уни вақтинчалик томирлар интима юзасини қоплаш учун кучли эҳтиёжини кўрсатади.

Текширилган шахсларда қоннинг бикарбонат буфер тизимини ўрганиш ҳомила тушиш хавфи парциал босим  $pCO_2$   $34,0 \pm 1,44$  мм. рт. ст.пасайиши билан акс этадиган нафас олиш алколози ҳолати, яъни бошланғич ҳажмдан 16% паст, қон плазмасида бикарбонат миқдори (SB) I- уч ойликда  $20,4 \pm 0,15$

мМоль/лгача ва II уч ойликда  $19,3 \pm 0,5$  гача, меъёрда  $23,8 \pm 1,1$  мМоль/лгача пасайиши билан кузатилади. Қон плазмасида биокарбонат миқдорининг пасайиши қон эритроцитларида АТФазага боғлиқ мембран ферменти фаоллиги компенсаторли ошишига олиб келади. Келтирилган тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, физиологик ҳомиладорлик вақтида  $\text{HCO}_3^-$ - АТФаза фаоллиги 36%га, ҳомила тушишида эса  $\text{HCO}_3^-$ - АТФаза кўрсаткичлари I уч ойликда 2,9 марта, II уч ойликда – бошланғич кўрсаткичлардан 3 мартадан кўп ошади.

